

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АЛИЕВ БОТИРЖОН ТОХИРЖОНОВИЧ**

**ПАХТА ЧИҚИНДИЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ЙИГИРУВГА ЯРОҚЛИ**  
**ТОЛАЛАРНИ АЖРАТИБ ОЛУВЧИ ҚУРИЛМАНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси**  
**ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
technical sciences**

**Алиев Ботиржон Тохиржонович**

Пахта чиқиндилари таркибидаги йигирувга яроқли толаларни ажратиб олувчи қурилмани такомиллаштириш..... 3

**Алиев Ботиржон Тохиржонович**

Усовершенствование установки по извлечению прядомых волокон из состава хлопковых отходов..... 27

**Alieyv Botirjon**

Improvement of the spinning capability of cotton wastes..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 56

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АЛИЕВ БОТИРЖОН ТОХИРЖОНОВИЧ**

**ПАХТА ЧИҚИНДИЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ЙИГИРУВГА ЯРОҚЛИ**  
**ТОЛАЛАРНИ АЖРАТИБ ОЛУВЧИ ҚУРИЛМАНИ**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси**  
**ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/T788 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик-технология институти хузуридаги Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.namti.uz](http://www.namti.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мурадов Рустам Мурадович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жуманиёзов Қадам Жуманиязович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Обидов Авазбек Азаматович**  
техника фанлари доктори,

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти хузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил 21 август соат 9<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869)228-76-75, e-mail: [nei\\_info@edu.uz](mailto:nei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (382-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68.)

Диссертация автореферати 2020 йил 17 август куни тарқатилди.  
(2020 йил 17 августдаги 20- рақамли реестр баённомаси).



*[Signature]*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари,  
техника фанлари доктори, профессор

**Х.Т. Ахмедходжаев**

*[Signature]*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,  
техника фанлари доктори, профессор

**О.Ш.Саримсаков**

*[Signature]*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш хузуридаги  
илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

**Қ.М.Холиков**

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон бозорида пахта толасидан тайёрланган тўқимачилик махсулотларига талаб йилдан-йил ортиб бормоқда. Бу ўз навбатида пахта толасига бўлган талабнинг ортишига олиб келади. Пахта бўйича Халқаро Консултатив Қўмита (ICAC) нинг маълумотларига қараганда «...сўнгги йилларда дунё миқёсида йилига 23 млн.тонна атрофида пахта толаси ишлаб чиқарилмоқда, унга бўлган талаб эса ҳозирда 24-25 млн.тоннани ташкил этмоқда»<sup>1</sup>. Аҳоли сонининг интенсив равишда ортиб бориши ҳисобига пахта толасига бўлган талаб келгусида ҳам юксалиши кутилмоқда. Пахта толасини етказиб бериш бўйича етакчи бўлган АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Туркия каби мамлакатларда технологик жараёнларни бошқариш усуллари модернизациялаш, техника ва технологияларни лойиҳалаштиришнинг автоматик усуллари ишлаб чиқиш ва пахтани дастлабки ишлаш жараёнларини автоматлаштирилган бошқариш тизимларини яратиш ва ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда, хусусан ишлаб чиқарилаётган махсулот сарфи ва нобудгарчилигини камайтирадиган, толали чиқиндиларни регенерация қилишнинг ресурстежамкор техника ва технологияларини ишлаб чиқиш ҳам муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳонда пахтани дастлабки ишлашнинг асосий технологик жараёни сифатида толали материалларни тозалаш техника ва технологиясини ривожлантиришга катта эътибор қаратилган. Шу сабабли, пахтани дастлабки ишлаш технологиясида махсулот нобуд бўладиган жараёнлар ва сабабларини аниқлаш, толанинг чиқинди билан бирга чиқиб кетишини бартараф қилишни таъминловчи модернизациялаш, оптималлаштиришга доир математик моделларни ишлаб чиқиш катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга, тола регенераторларининг самарали ва ресурстежамкор янги конструкцияларини яратиш, унинг чиқарилаётган тола миқдорини оширишга имкон берадиган параметрларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан саналади.

Мамлакатимиз тўқимачилик саноатида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, хомашёни чуқур қайта ишлаш ҳисобига юқори қўшимча қийматли тўқимачилик ва трикотаж махсулотлари ишлаб чиқариш, махсулот нобуд бўлишини камайтириш бўйича ички имконият ва захираларни излаб топиш ҳисобига мавжуд хомашё ресурсларидан фойдаланиш даражасини ошириш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, хусусан, «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, энергия ва ресурслар тежамкорлигини ошириш, энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...» вазифаси белгилаб берилган. Бу вазифани амалга оширишда толали чиқиндилар таркибидаги йигирилувчан толаларни ажратиб

<sup>1</sup> Cotton: World Statistics. <http://www.ICAC.org>; <http://www.statica.com>.

олишнинг янги, ресурстежамкор технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 апрелдаги 5708-сонли «Қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур илмий тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамалакатимизда пахта хомашёсини дастлабки ишлаш технологик жараёнидаги пахта чиқиндилари таркибидан йигирувга яроқли толаларни ажратиб олишнинг назарий-фундаментал, амалий масалалари ва методологик асослари яратилган.

Пахтадан чиққан толали чиқиндиларини тозалаш технологияси ва техникасини комплекс ўрганишга Б.А.Левкович, С.Д.Болтабоев, А.Н.Нуралиев, С.А.Самандаровлар тадқиқотларида асос солинган. Пахта тозалашнинг техника ва технологиясини ривожлантиришда Е.Ф.Будин, Ю.С.Сосновский, Р.З.Бурнашев, Г.И.Мирошниченко, А.Жўраев, А.Е.Лугачев, А.Агзамовларнинг ишлари ҳам муҳим ўрин тутди.

Пахта чиқиндилари таркибидаги йигирувга яроқли пахта толалари мавжудлигини илмий асослаш ва бу борадаги технологик, механик ҳамда техник муаммоларни бартараф қилиш йўлида кўплаб илмий – амалий ишлар олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар пахта чиқиндилари таркибидаги йигирувга яроқли толаларни ажратиб олишда механик ва техник муаммоларни ҳал қилган ҳолда янги ускуна яратиш, унинг яхлит металдан қилинган аррали лентаси, ускуна пичоқларининг маълум қияликдаги жойлашуви ва аррали лента билан пичоқлар оралиғидаги масофаларни оптималлаштириш, аррали лентадан тоза толаларни ҳаво оқими ёрдамида ажратиб олиш муҳим масала ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти №И–ОТ–2017–2–10 рақамли «Пахта чиқиндилари таркибидаги

йигирувга яроқли толаларни ажритиш қурилмаси» (2017-2018) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** технологик жараёнда толали чиқиндилар таркибига ўтиб кетган йигирилувчан толаларни регенерация қилиш ҳисобига махсулот ишлаб чиқариш хажмини оширишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

амалий тадқиқотлар асосида пахта чиқиндилари таркибидаги узун толаларни ажратиб олувчи янги регенератор конструкциясини яратиш;

чиқиндилар таркибидаги йигирувга яроқли толаларни ажратиб олиш жараёни унумдорлигининг энг мақбул қийматини аниқлаш;

ушлаб қолинган толаларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларини тадқиқ қилиш ва унга ишчи параметрлар таъсирини аниқлаш;

толаларни ажратиб олиш жараёнида регенераторнинг энг юқори самара бериб ишлайдиган ўлчамларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатига тўқимачилик ва пахта саноати корхоналарида чиқиндиларни қайта ишлаш жараёни ва қурилмаси олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни пахта чиқиндилари таркибидаги йигирувга яроқли толаларни ажратиб олувчи қурилма конструкцияси ва технологик кўрсаткичлари, толани чиқиндилардан ажратиш жараёни режимлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Иш назарий ва амалий тадқиқотлардан ташкил топган. Назарий тадқиқотлар олий математика, назарий ва амалий механика, экспериментал тадқиқотлар, математик статистика, замонавий ўлчаш усул ва воситаларидан фойдаланиб экспериментларни режалаштириш ва оптималлаштириш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

пахта чиқиндилари таркиби ва ундан йигирувга яроқли толаларни ажратиб олиш жараёнлари таҳлили асосида арра гарнитурали барабан ва таъминлаш валиги жуфтлиги негизидаги регенерация қурилмаси конструкцияси ишлаб чиқилган;

пахта чиқиндилари таркибидан йигирилувчан толаларни ажратиб олиш жараёнида ишчи органлар ва толали материал ҳаракати қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда қурилма ишчи параметрлари аниқланган;

толали материал ва ифлосликларнинг арра гарнитурали барабан билан пичоқлар орасидаги ҳаракати траекториясига кўра барабан ва пичоқлар ўртасидаги ўлчамлар аниқланган;

режали экспериментлар натижаларига асосланиб, арра гарнитурали барабан билан пичоқлар орасидаги масофа ҳамда четкали барабаннинг рационал айланишлар сони аниқланган;

кириш лентаси, таъминловчи валик ва игна гарнитурали барабан ва кўзгалмас пичоқлар оралиғида йигирувга яроқли толаларни ажратиб олиш имкониятидан келиб чиқиб, рационал технологик ва конструкцион параметрларга эга бўлган регенератор конструкцияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

пахта чиқиндилари таркибидан йиргирувга яроқли толаларни ажратиб олувчи қурилма арра гарнитурали барабани билан пичоқлар орасидан чиқиндилар ўтиши жараёнида йигирувга яроқли толаларни арра тишлари билан ажратиб оладиган, нисбатан содда ва кам энергия талаб қилувчи регенератор қурилмаси яратилган;

назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари асосида арра гарнитурали барабан ва таъминловчи валик жуфтлигига асосланган чиқинди таркибидан йигирилувчан толаларни ажратиб олувчи қурилманинг рационал технологик ва конструктив параметрлари аниқланган;

ишлаб чиқариш шароитларида ўтказилган солиштирма синов натижаларидан келиб чиқиб, арра гарнитурали барабан ва таъминловчи валик жуфтлигига асосланган регенерация қурилмаси ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тавсия қилиш бўйича эксперт хулосаси олинган (ЭКСПЕРТНОЕ ЗАКЛЮЧЕНИЕ “Волокноотделитель из хлопковых и текстильных отходов для прядильного производства” №1264-024 ОТ 05.11.2018 г.).

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** назарий ва тажрибавий изланишлар натижаларининг мутаносиблиги, тавсия этилган ишчи органлари бўлган қурилманинг ишлаб чиқариш синовлари ва мавжуд қурилмани аниқ параметрлари натижалари билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти арра гарнитурали барабан ва таъминлаш валиги жуфтлиги негизидаги регенерация қурилмаси конструкциясини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи пахта чиқиндилари таркиби ва ундан йигирувга яроқли толаларни ажратиб олиш жараёнлари таҳлили ва пахта чиқиндилари таркибидан йигирилувчан толаларни ажратиб олиш жараёнида ишчи органлар ва толали материал ҳаракати қонуниятлари ишлаб чиқилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари асосида арра гарнитурали барабан ва таъминловчи валик жуфтлигига асосланган чиқинди таркибидан йигирилувчан толаларни ажратиб олувчи қурилманинг рационал технологик ва конструктив параметрлари аниқлангани ва ишлаб чиқариш шароитларида ўтказилган солиштирма синов натижаларидан келиб чиқиб, регенерация қурилмаси ишлаб чиқаришга юқори иқтисодий самарадорлик билан жорий этишга тавсия этилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Пахта чиқиндилари таркибидаги йигирувга яроқли толаларни ажратувчи қурилма конструкциясини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

пахта чиқиндиларини тозалаш қурилмасининг пичоқларини жойлашиш қияликларини моделлаштириш дастури яратилди (“Пахта чиқиндиларини тозалаш қурилмасининг пичоқларини жойлашиш қияликларини моделлаштириш дастури - 04”. Патент UZ DGU 08267 //Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастур. 06.05.2020йил). Натижада толали



чиқиндилар таркибида чиқитга чиқиб кетувчи узун толаларни ажратиб олиш ҳисобига олинадиган тола миқдорини ошириш имконияти яратилди;

пахта чиқиндилари таркибидаги йигирувга яроқли толаларни ажратувчи қурилма «Ўзпахтасаноат» АЖ тасарруфидаги корхоналарда, жумладан, Наманган вилоятининг «Косонсой пахта тозалаш» АЖ да ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 9 июндаги № 03-18/1772 сонли маълумотномаси). Натижада пахта тозалаш корхонасида чиққан улюк чиқиндилари таркибидаги йигирувга яроқли толалар миқдори 70 фоиздан 20 камайишига эришилди;

пахта чиқиндилари таркибидаги йигирувга яроқли толаларни ажратувчи қурилма рационал параметрлари «Ўзпахтасаноат» АЖ тасарруфидаги корхоналарда, жумладан, Наманган вилоятининг «Косонсой пахта тозалаш» АЖ да ишлаб чиқаришга жорий этилган («Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 9 июндаги № 03-18/1772 сонли маълумотномаси). Натижада маҳсулот – пахта толаси миқдори 7,67 % га кўпайиши таъминланди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 9 та илмий-техник конференцияларда, шу жумладан, 2 та халқаро, 5 та Республика конференцияларида ва 2 та илмий семинарларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 3 та мақола ҳамда 3 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Мавзу бўйича аналитик шарҳ**» деб номланган биринчи бобида чиқинди таркибидан йигирувга яроқли толаларни ажратиб олиш ҳақида маълумот чуқур ўрганилган. Шунингдек, Республикамизнинг бир қатор олимлари томонидан пахта чиқиндилари таркибидаги йигирувга яроқли толаларни ажратиб олишни такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлари таҳлил қилинган.

Пахта чиқиндилари таркибидаги йилгирувга яроқли толаларни ажратиб олиш қурилмаси бўйича илмий тадқиқотларни мамлакатимизда турли йилларда Корхонада пахта чиқиндисидан йигирувга яроқли толасини ажратиб олиш яжараёни ва ишлаб чиқариш бўйича олиб борилган замонавий илмий тадқиқотлар кўп. Бу йўналишда Р.В.Корабельников, Э.К.Нуралиев, Б.А.Кац, Х.Т.Ахмедходжаев, В.Д.Хмиров, И.И.Новицкий, Р.Ф.Беляев, Х.Исаханов ва бошқа олимлар ҳам олиб боришган.

Илмий изланишларда барабан, Гарнитура: аррали лента (ЦМПЛ), пичок, транспортёрли лента, шнек, шёткали барабан, двигателдан иборат ишчи органлари конструкцияларини такомиллаштириш, юқори иш унумида пахта чиқиндилари таркибидаги йилгирувга яроқли толаларни ажратиб олувчи қурилма бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Диссертациянинг «**Толали чиқиндилар таркибидан йигиришга яроқли толаларни ажралиб чиқиш жараёнларининг назарий тадқиқоти назарий тадиқотлар натижаларини таҳлил қилиш**» деб номланган иккинчи бобига кўра Пахта чиқиндилари таркибидаги йигирувга яроқли пахта толалари мавжудлигини илмий асослаш ва бу борадаги технологик, механик ҳамда техник муаммоларни бартараф қилиш йўлида кўплаб илмий – амалий ишлар олиб борилмоқда. Асосий масала пахта чиқиндилари таркибидаги йигирувга яроқли толаларни ажратиб олишда механик ва техник муаммоларни ҳал қилган ҳолда янги ускуна яратиш. Механик – техник муаммо қилиб:

- А) Пахта чиқиндилари таркибидаги йигирувга яроқли толаларни ажратиб олиш ускунасининг бутун металл аррали лентаси
- Б) Қурилма пичокларининг маълум қияликдаги жойлашуви
- В) Қурилма аррали лента билан пичоклар оралиғидаги масофаларни оптималлаштиришни оламиз.



Барабан  $\omega(t)$ - бурчак тезлиги билан айланиши натижасида  $dt$ - вақт ичида толаларни Е нуқтага судрайди.  $R$  – арра марказидан тишларни учигача бўлган масофа. Бу вақтда арра тиши  $Rd\alpha$  – йўлни босиб ўтади.

**1- расм. Пахта чиқиндисини аррали гарнитура ва пичок орасидаги таъсири**

Жумладан:

$$\begin{aligned}
 t = 0: \alpha &= 0 \\
 dt \Rightarrow \alpha &= \varphi_2
 \end{aligned}
 \tag{1}$$

Бу вақтда, пичоқ учи – В нуқтада, толаларга -  $\vec{P}$  босим кучини беради ва улар орасида -  $F_{\text{иш}}$  – ишқаланиш кучи ҳам ҳосил бўлади. У Кулон қонуни бўйича аниқланади. Бу ҳолда, толаларни хусусий оғирлиги, бошқа кучларга қараганда етарлича кичикдир. Шу сабабли толани хусусий оғирлигини ва ундан ҳосил бўладиган инерция кучини эътиборга олмаймиз. Идеал ҳолатда толалар, билан пичоқ сиртида ва арра тишлари ўртасида ишқаланиш кучи ҳосил бўлмайди. Бу ҳолда  $P$  – босим кучи,  $\varphi_2$  бурчак биссектрисаси бўйича йўналади. 1 – расмда  $\theta$  – бурчак  $P$  – босим кучини йўналишини характерлайди. Бу бурчак толалар тўпламини арра тишлари томонидан тортишиш кучини аниқловчи параметр ҳисобланади.  $BE$  – участкада (1-расм) толалар тўпламига  $T$  – тортиш кучи таъсир этади. Лекин  $BN$  – участкада тортишиш кучи ҳосил бўлмайди. Чунки толаларни учи эркин ҳаракатланади.

Толалар тўпламини ҳаракат қонунини, импульси кучини сақланиш қонуни бўйича  $Ox$  – координаталар системасига нисбатан келтириб чиқарамиз. (1 – расм)

$$P_0 F_0 dS_2 (\dot{x}_2 - \dot{x}_3) = (T \cos \varphi_2 - P \sin \theta - fP \cos \theta) dt \quad (2)$$

$$P_0 F_0 dS_2 (\dot{y}_2 - \dot{y}_3) = (-T \sin \varphi_2 - P \cos \theta - fP \sin \theta) dt \quad (3)$$

бу ерда:  $\dot{x}$  ва  $\dot{y}$  – толаларни  $Ox$  ва  $Oy$  – координата ўқларидаги тезликларини проекциялари,  $f$ - ишқаланиш коэффициент;  $P_0, F_0$  – толалар тўпламини бошланғич зичлиги ва кўндаланг кесим юзаси;  $d_s$  – текшилаётган толалар тўплами элементар узунлиги.

(2) ва (3) – тенгламалардан,  $x$  ва  $y$  – индекслари мос равишда  $BE$  – 2 – участка,  $BN$  – 3 участкани ифодалайди.

Ушбу ҳолда толаларни силжишдаги узлуксизлик шарти қуйидагича ёзилади.

$$dS_2 = dS_3 \quad (4)$$

Буерда: 
$$dS_2 = \frac{[\dot{x}_2] dt}{\cos \varphi_2} = \frac{[\dot{y}_2] dt}{\sin \varphi_2} \quad (5)$$

$$dS_3 = \frac{[\dot{x}_3] dt}{\cos \varphi_3} = \frac{[\dot{y}_3] dt}{\sin \varphi_3} \quad (6)$$

Бундан ташқари: 
$$ds_2 = \sqrt{(\dot{X}_2 dt)^2 + (\dot{Y}_2 dt)^2} = \vartheta dt = \omega R dt \quad (7)$$

Шундай қилиб (2) ва (7) тенгламалар системаси,  $\dot{x}_2, \dot{y}_2, \dot{x}_3, \dot{y}_3, T_2, dS_2, dS_3$  – каби параметрларни аниқловчи ёпиқ системани ташкил этади:

$$T^* = \frac{T_2}{P_0 F_0}; P^* = \frac{P}{P_0 F_0} \quad (8)$$

$$(6) \text{ ва } (7) - \text{ муносабатдан; } \begin{cases} \dot{X}_2 = \vartheta \cos \varphi_2 \\ \dot{Y} = \vartheta \sin \varphi_2 \\ \dot{X}_2 = \vartheta \cos \varphi_3; \dot{Y} = \vartheta \sin \varphi_3 \end{cases}$$

(9) => (3) ва (4);

$$\begin{cases} \omega^2 R^2 = (\cos \varphi_2 + \cos \varphi_3) = T^* \cos \varphi_2 - P^* (\sin \theta + f \cos \theta) \\ \omega^2 R^2 (\sin \varphi_2 - \sin \varphi_3) = T^* \sin \varphi_3 - P^* (\cos \theta - f \sin \theta) \end{cases} \quad (9)$$

Ушбу системадан  $T^*$  ва  $P^*$  – ни аниқлаймиз.

$$P^* = \frac{\omega^2 R^2 \sin\left(\frac{Vt}{R} + \varphi_3\right)}{\cos\left(\frac{Vt}{R} + \theta\right) - f \sin\left(\frac{Vt}{R} + \theta\right)} \quad (10)$$

$$T^* = \frac{V^2 \sin(\varphi_2 + \varphi_3) + P^* [\cos(\varphi_2 + \theta) + f \sin(\varphi_2 - \theta)]}{\sin 2\varphi_2} \quad (11)$$

$$V = \omega R = 25 \text{ М/с.}$$

Кўпгина ҳолларда толали чиқиндилардан йигирувга яроқли толаларни ажратиб олишда пичоқ билан барабан орасидан ўтувчи толали чиқиндилар тўпламини чўзилиш ҳам муҳим рол ўйнайди. Бу ҳолда толали чиқиндилар тўпламини чўзилишдаги зўриқишдаги унинг массаси ҳам таъсир кўрсатади.

А. Г. Севостьянов модели асосида, ишчи барабани камерадан, толали массадан чиқиндиларни ажралиб чиқиши ҳисобига, умумий масса ўзгаради.

Бу ўзгаришни куйидаги функция орқали ифодалаймиз:

$$m(t) = m_0 \exp\left(-\frac{bknt}{1+\alpha}\right) \quad (12)$$

Бу ерда:  $m(t)$  –  $t$ - вақтдаги чиқиндили толани умумий массаси;  $m_0$  –  $t = 0$  даги чиқиндили толани умумий массаси;  $\alpha, b$  – пропорционаллик коэффициентлари;  $k$  – пичоқлар сони;  $n$  – барабанни айланиш частотаси;  $\varepsilon - t$  – вақтдаги, чиқиндиларни тозалаш эффекти бўлиб, у куйидаги функция орқали ифодаланади:

$$\varepsilon_0(t) = \frac{m_0 - m}{m_0} = 1 - \exp\left(-\frac{bknt}{1+\alpha}\right) \quad (13)$$

Ҳисоблаш натижаси аррали барабан тишлари ва пичоқлар томонидан чиқиндили толаларга таъсир этувчи босим кучи, толаларни судраш натижасидаги ҳосил бўлувчи тортишиш кучларини тегишли оғиш бурчакларига боғлиқли ўзгариш қонуниятлари келтирилган.

Жумладан: 1 – расмда келтирилган схема бўйича

а)  $\theta = 20^\circ, 30^\circ, 40^\circ$  бурчакларда, босим кучи  $P^* = P^*(\varphi_3)$ , тортишиш кучи  $T^* = T^*(\varphi_3)$ , ларни  $\varphi_2 = 10^\circ, 20^\circ, 30^\circ$  учун тегишли графиклар олинган.

2 – расмда  $\theta = 40^\circ$  ҳолдаги келтирилган бўлиб, қолган ҳоллар учун, босим ва тортишиш кучларини ҳарактерли қийматлар 1,2 – жадвалда келтирилган.

б)  $\varphi_2 = 10^\circ, 20^\circ, 30^\circ$  бурчакларда босим ва тортишиш кучи:

$$\begin{cases} P^* = P^*(\theta) \\ T^* = T^*(\theta) \end{cases} \text{ бу функцияларда } \varphi_3 = 40^0, 50^0, 60^0 \text{ тенг бурчак}$$

қийматларидаги ўзгариши қонуниятлари ҳам график кўринишида олинган.

Жумладан 3 – расмда  $\varphi_2 = 10^0$  ҳол учун босим ва тортишиш кучларини ўзгариш графиклари келтирилган:

а) 1- жадвалдан қуйидаги ҳулосаларни чиқариш мумкин. Пичоқларни толаларга босим кучини горизонтал йўналиши билан ташкил қилган бурчаги  $\varphi_3 = 60^0$  бўлганда максимал қийматида  $P_{max} = 1500$ н эришади. Бу бурчакда толаларга таъсир этувчи тортишиш кучини миқдори 1300Н га тенг, бу ҳолатда  $\theta = 20^0, \varphi_2 = 20^0$  га тенг.

Босим кучининг энг катта миқдори  $\theta = 40^0, \varphi_2 = 20^0, \varphi_3 = 60^0$  да  $P_{max} = 10000$ н га тенг бўлиб, тортишиш кучининг миқдори  $T = 1500$ н га тенг бўлади. Булардан шуни ҳулоса қилиш мумкинки, пичоқларни горизонтал йўналиш билан ташкил этган оғиш бурчаги  $\varphi_3 = 60^0$  ни оптимал бурчак, деб қабул қилишимиз мумкин.

б) 2-жадвалдан қуйидаги ҳулосаларни чиқариш мумкин: Пичоқларни толаларга берган босим кучи ва тортишиш кучларини  $\theta$  – бурчакнинг ўзгаришга боғлиқ қонуниятини текширганимизда тортишиш кучини ва босим кучини горизонтал йўналиш билан ташкил этган бурчаклари:  $\varphi_2 = 10^0, 20^0, 30^0$ ;  $\varphi_3 = 40^0, 50^0, 60^0$ ; қийматлар бўйича ўзгарганда энг катта босим кучини миқдори  $\theta = 58^0$  да 500: 4500 ораликда ўзгариб  $\theta > 58^0$  да кескин ошиб кетади.

Бу ҳолат, тортишиш кучини қийматларида ҳам аниқланади. Шу сабабли  $\theta$  – бурчакни қиймати  $30^0$  дан кам бўлиши зарурдир.

Умумий ҳолатда толали чиқиндидан толани ажратиб олиш учун, пичоқларни горизонтал йўналиш билан оғиш бурчаги  $\varphi_3 = 60^0, \theta = 20^0$  энг оптимал ҳисобланади.



1 жадвал

### Оғиш бурчаги ва тортишиш кучи орасидаги боғлиқлик

$\theta = 20^0$	$\varphi_2 = 10^0$	$P_{max} = (\varphi_3 = 80^0) = 750$	$T_{max}(\varphi_3 = 80^0) = 1000$
	$\varphi_2 = 20^0$	$P_{max} = (\varphi_3 = 60^0) = 1500$	$T_{max}(\varphi_3 = 60^0) = 1300$
	$\varphi_3 = 30^0$	$P_{max} = (\varphi_3 = 70^0) = 1100$	$T_{max}(\varphi_3 = 70^0) = 1350$
$\theta = 30^0$	$\varphi_2 = 10^0$	$P_{max} = (\varphi_3 = 80^0) = 1100$	$T_{max}(\varphi_3 = 85^0) = 1000$
	$\varphi_2 = 20^0$	$P_{max} = (\varphi_3 = 60^0) = 2500$	$T_{max}(\varphi_3 = 60^0) = 1800$
	$\varphi_2 = 30^0$	$P_{max} = (\varphi_3 = 70^0) = 1500$	$T_{max}(\varphi_3 = 70^0) = 1600$
$\theta = 40^0$	$\varphi_2 = 10^0$	$P_{max} = (\varphi_3 = 80^0) = 1500$	$T_{max}(\varphi_3 = 20^0) = 1000$
	$\varphi_2 = 20^0$	$P_{max} = (\varphi_3 = 60^0) = 10000$	$T_{max}(\varphi_3 = 60^0) = 1500$
	$\varphi_2 = 30^0$	$P_{max} = (\varphi_3 = 70^0) = 2800$	$T_{max}(\varphi_3 = 70^0) = 3800$

## Оғиш бурчаги ва тортишиш кучи орасидаги боғлиқлик

$\varphi_2 = 10^0$	$\varphi_3 = 40^0$	$P_{max}(\theta = 58^0) = 500 \div 4500$	$T(\theta = 58^0) = 1300 \rightarrow 4250$
	$\varphi_3 = 50^0$	$P_{max}(\theta = 55^0) = 550 \rightarrow 4300$	$T(\theta = 55^0) = 1250 \rightarrow 4250$
	$\varphi_3 = 60^0$	$P_{max}(\theta = 53^0) = 600 \rightarrow 4250$	$T(\theta = 53^0) = 1200 \rightarrow 4250$
$\varphi_2 = 20^0$	$\varphi_3 = 40^0$	$P_{max}(\theta = 45^0) = 3500 \uparrow$	$T(\theta = 45^0) = 4500$
	$\varphi_3 = 50^0$	$P_{max}(\theta = 48^0) = 4000 \uparrow$	$T(\theta = 48^0) = 4500$
	$\varphi_3 = 60^0$	$P_{max}(\theta = 58^0) = 4100 \uparrow$	$T(\theta = 58^0) = 4500$
$\varphi_2 = 30^0$	$\varphi_3 = 40^0$	$P_{max}(\theta = 40^0) = 3800 \uparrow$	$T(\theta = 40^0) = 5000$
	$\varphi_3 = 50^0$	$P_{max}(\theta = 40^0) = 4100 \uparrow$	$T(\theta = 40^0) = 5000$
	$\varphi_3 = 60^0$	$P_{max}(\theta = 40^0) = 4200 \uparrow$	$T(\theta = 40^0) = 5000$




- а)  $P^*$ : 1-  $\varphi_2 = 10^0$ , 2-  $\varphi_2 = 20^0$ , 3-  $\varphi_2 = 30^0$ ,  
 б)  $T^*$ : 4-  $\varphi_2 = 10^0$ , 5-  $\varphi_2 = 20^0$ , 6-  $\varphi_2 = 30^0$ ;  
 $\theta = 40^0$ ;

4. расм. Пахта чиқиндисини толалар массасидан ажралиш эффективлиги  $\varepsilon_0$  -ни фоизларда пичоклар сони -  $n$  бўйича,  $t$  - вақтга боғлиқ ўзгариш қонуниятлари  $n = 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10$ ;


2 – расм. Пахта чиқиндилари йигирувга ярқли толаларга таъсир этувчи босим кучи -  $P^*$  ни вертикал билан ташкил этувчи  $\theta$  – бурчак ўзгаришига боғлиқ қонуният ва тортишиш кучини -  $T^*$  ни ҳам шу ҳолатдаги ўзгариш қонуният келтиришган.

- а)  $P^*$ : 1-  $\varphi_3 = 40^0$ , 2-  $\varphi_3 = 50^0$ , 3-  $\varphi_3 = 60^0$ , б)  
 $T^*$ : 4-  $\varphi_3 = 40^0$ , 5-  $\varphi_3 = 50^0$ , 6-  $\varphi_3 = 60^0$ ;  
 $\varphi_2 = 10^0$ ;

3-расм. Пахта чиқиндилари йигирувга ярқли толаларга таъсир этувчи босим кучи -  $P^*$  ни ва тортишиш кучини -  $T^*$  ни пичокларни горизонтал билан ташкил қилувчи оғиш бурчаги  $\varphi_3$  га боғлиқ ўзгариш қонуният келтирилган.



ЦМПЛни барабанга полотнони ўрашда уни таранглаш кучи  $P = 59 \div 98$  Н оралиғида олинади. Радиал деформацияланишни камайтириш учун, обечайка материални юқори эластиклик модулига эга бўлган чўян ёки пўлатдан тайёрланади.



5-расм. ЦМПЛли барабан элементларига таъсир қилувчи кучлар схемаси

Р таранглаш кучидан ҳосил бўлган деформацияланишни ҳисобга олган ҳолда, ЦМПли барабаннинг мустаҳкамлигини қуйидагидан аниқлаш мумкин:

$$\sigma_1 = \frac{1,82 \cdot P}{bh} = \frac{1,82 \cdot 98}{5 \cdot 20} = 1,7 \text{ Па.}$$

Юқорида кўриб ўтилган машиналар умумий камчиликка эга. Хулоса қилиш мумкинки,

Бундан кўринадики, ЦМПли барабанни барча юза бўйича бир хилда босим ҳосил қилади. Ён томондаги крестовинага мос келмайдиган барабан кесимида, тангенциал йўналишда сиқувчи


кучланиш аниқланади. Барабан юзасидатола сиғдириш имконияти ёки ундаги бўш ҳажм қанчалик кўп бўлса, ажратувчи барабаннинг ажратиш зонасида гарнитура тишларидан толаларни чўткали барабанга ўтиши яхшироқ амалга оширилади, ушлаб туриш қобилияти эса етарлича паст бўлади.

Диссертациянинг «Пахта чиқиндилари таркибидаги йигирувга яроқли толаларни ажратиб олувчи қурилманинг экспериментал конструкциясини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобда янги қурилманинг самарали ишлашини таъминловчи элементларини қўллаш ҳамда ишлаб чиқариш нусхасини яратиш. Тажриба қурилмасини тайёрлашда бир нечта вариантдаги конструкциялар кўриб чиқилди ҳамда улардан қўйилган талабларга жавоб берадигани танлаб олиниб, кейинги тадқиқотлар ушбу қурилма билан амалга оширилди.

Пахта чиқиндилари таркибидаги толаларни ажратиш қурилмаси, чиқиндиларни ускунага бериш лента орқали иш жараёни бошланиб, таъминловчи валик билан чиқинди Гарнитура: аррали лента (ЦМПЛ) ли барабан томон йўналтирилади. Гарнитура: аррали лента (ЦМПЛ) тишларига чиқиндини қўзғалмас шётка илинтириб бериб туради. Гарнитура: аррали лента (ЦМПЛ)ли барабан юқори тезлик билан чиқиндиларни пичоқлар оралиғидан олиб ўтади. Пичоқлар билан Гарнитура: аррали лента (ЦМПЛ) оралиғидаги тирқишларда Аррали лента орқали пахта толалар чиқиндидан ажралади. Ажралган толалар қурилманинг шёткали барабан орқали ажралиб чиққан толаларни аррали барабандан ажратиб йигирувга яроқли толаларни ташқарига чиқаради. Пичоқлар орасидан ажралган яроқсиз чиқиндилар эса

ускунанинг пастки томонига йўналтириб берилади ва шнек орқали ташқарига чиқарилади.

Чиқинди ажратиш қурилмаси асосий ишчи органи бўлган ажратувчи барабанга яхлит металл аррали лентадан ташкил топган гарнитура ўралган. Бундан ташқари қурилма рамаси 1100x1800 мм ўлчамли учун швеллер ва профилдан иборат, ажратиш барабани диаметри 660 мм, чўткали барабан диаметри эса 60 мм ни ташкил қилади. Электродвигател қуввати 5,5 кВтли ва 2,2 кВтли тенг. Тажриба тадқиқотлари ишлаб чиқаришга яқин бўлган шароитда, 3,7,11, улюк пахта чиқиндилари ўтказилди. Чиқинди масса ҳажмини ҳисобга олган ҳолда литр ёрдамида 90x40 қилиб олинди. Таъминлаш қўл ёрдамида амалга оширилди. Кўрсаткичлар тажрибадан олдин ва кейин аниқланиб турилди.



**6-расм. Пахта чиқиндиларини ажратиб олиш қурилмасининг схемаси**


1-кириши қувири, 2-йўналтиргич, 3-ЦМПЛли барабан, 4-пичоқлар, 5-чўткали барабан, 6-чиқиш қувири, 7-калта толалар чиқиш қувири.

Янги тола ажратиш қурилмасининг танлаб олинган конструкциясини самарали ишлашини асослаш учун биринчи навбатда унинг мақбул технологик параметрларини танлаш лозим бўлади. Толали чиқиндилар

таркибидан (момик, ўлик) узун толаларни ажартиб олиш жараёнининг унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш бевосита уларга боғлиқдир. Тадқиқотни режалаштиришда ва уни ўтказишда математик усулларнинг қўлланилиши, тадқиқотларни анъанавий ҳисоблаш усулларида фарқли ўлароқ оптималлаш параметрларига биргаликда таъсир этувчиларни характерловчи бир нечта омилларни ўзаро таъсирини алоҳида-алоҳида таъсирини аниқлашга имкон яратиб беради. Бунинг натижасида, нисбатан кўп бўлмаган синовлар сонида тадқиқ этилаётган объектнинг математик моделини олиш мумкин бўлади, ушбу модел бир вақтнинг ўзида оптимал ечимларни қабул қилиш учун хизмат қилади.

Қурилманинг ишлаб чиқаришга қўллаш учун мўлжалланган намунаси № И – ОТ – 2017 – 2 – 10 лойиҳа режаси асосида “Косонсой пахта толаси” ҳамда “Nam Teks” акциядорлик жамиятларига қўлланилади. 7-расмда пахта чиқиндилари таркибидаги йиғирувга яроқли толаларни ажратиш машинасининг тажриба ва саноат нусхаси кўриниши келтирилган.





**7-расм. Пахта чиқиндилари таркибидаги йигирувга яроқли толаларни ажратиб олиш қурилмасининг ишлаб чиқариш нусхаси**

3-жадвал

**Янги қурилманинг техник характеристикаси**

№	Кўрсаткичнинг номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори
1.	Қурилмадан тоза тола чиқиш бўйичаиш унумдорлиги, гача	кг/соат	80-120
2	Пахта чиқиндисидан тоза тола ажратиш босқичлари	та	6
3	Чиқиндилардаги тоза тола	фоиз	65
4	Аррали лентали (ЦМПЛ ли) барабаннинг айланиш частотаси,	айл/мин	400
5	Чўткали барабаннинг айланиш частотаси,	айл/мин	1000
6	Чиқиндини қабул қилиш валикларини айланиш частотаси	айл/мин	0-40
7	Қурилмадаги пичоқлар сони	та	6
8	Аррали лента (ЦМПЛ ли) барабан диаметри	мм	660
9	Чўткали барабан диаметри	мм	150
10	Аррали лентали (ЦМПЛ ли) барабан билан пичоқлар оралиғидаги масофа (зазор)	мм	5,4,3,2,1,0.5
11	Барабанни узунлиги ишчи қисмини ўлчами	мм	1030
12	Қурилманинг габарит ўлчамлари,	мм	L=2200 B=1350 H=1600
13	Электр двигателлар қуввати,	кВт.	5.5 2.2
14	Қурилма оғирлиги	кг	2100

Жараёни оптималлаштиришда уни дастлаб чизиқли модель сифатида тасаввур қилиш мақсадга мувофиқ: шунинг учун вариация қилиш интервали чизиқли тенглама олиш учун нисбатан кичик ва шу билан бир вақтда, омиллардан бирортасининг таъсири ҳақида нотўғри хулоса чиқармаслик учун етарлича катта бўлиши лозим. Бу омилнинг ўртача квадратик фарқланиши қийматининг икки бараваридан катта бўлган тасодифий омилни вариация қилиш интервали  $\Delta$  чиқиш параметрига нотасодифий таъсир қилиши лозим.

$$Y = b_0 + b_1X_1 + b_2X_2 + b_{12}X_1X_2 \quad (14)$$

Тенгламанинг регрессия коэффицентлари омилларнинг аҳамиятлилигини солиштирма баҳолаш учун фойдаланилган ҳолатларда барча омиллар учун вариация қилишнинг тахминан бир хил нисбий интервали қиймати  $\Delta_0 = \frac{\Delta}{M_0}$  га интилиш лозим. Кўрилаётган масаламизда кодлаштириш жадвали қуйидагилар.

4-жадвал

### Режани табиий берилиши

Омиллар	$X_{\min}$	$X_{\max}$	$\Delta$	$X_0$
ЦМПЛ ли барабан билан пичоқлар орасидаги масофа (мм) - $X_1$	0,5	4,0	1,75	2,25
Чўткали барабанни айланишлар сони, айл/соат- ( $X_2$ )	850	1000	75	925
$X_1, X_2$	-1	+1		

Пахта чиқиндилари таркибидан йигирувга яроқли толаларни ажратиб олувчи қурилмамизда ўтказилган тажрибамизда иш унумдорлиги қуйидаги омилларга боғлиқлиги;

- ЦМПЛли барабан билан пичоқлар орасидаги масофа –  $M_1$ ,
- қурилма чўткали барабанининг минутдаги айланишлар сони –  $M_2$  га боғлиқлигини тадқиқ қилишда икки омилли кодлаштириш кўрсатилган. Кодлаштириш қийматлари тегишлича  $X_1, X_2$ .

Корхен ҳисоблаш мезонининг шарти қуйидагича:

$$G < G_{0.05} \{ f_N=N, f_m=m-1 \} \quad (15)$$

Бизнинг тажрибамизда  $N=4; m=2$ ; Юқоридаги жадвалдан  $G_{0.05} \{f_N=4, f_m=1\}=0.91$ ;

(15) тенгсизликка амал қилинса, дисперсияларнинг бир жинслилиги инкор қилинади ва қайта ишланиш дисперсияси барча йўналишлар бўйича ўртача сифатида ҳисобланади.

5- жадвал

### Тажрибаларни математик режалаштириш

Тажриба рақами	Ўзгарувчилар даражаси		Ишунумдолиги (кг/соат)				
			Тажриба натижалари: $Y_{1i}$ – биринчи тажриба, $Y_{2i}$ – иккинчи тажриба, $\bar{Y}_u = \frac{Y_{1i} + Y_{2i}}{2}$				
			$X_1$	$X_2$	$Y_{1i}$	$Y_{2i}$	$Y_u$
1	-	-	115	100	107.5	112.5	3.49
2	+	-	120	110	115	50	3.26
3	-	+	95	98	96.5	4.5	3.11
4	+	+	80	125	102.5	1012.5	2.93
Жами						1179.5	

Кўрилаётган бизнинг тажрибамизда: MAPLE-17 дастури бўйича қуйидагиларни ҳисоблаймиз:

$$G=0,86 < G_{0.05} = 0.91;$$

Демак (15) тенгсизлик бажарилляпти.

Чизиқли модел тенгламаси эса қуйидаги кўриниш олади


$$\hat{y} = 105,37 + 3.38X_1 - 5.87X_2 - 0,37X_1X_2 \quad (16)$$

(3.12) тенгламани таҳлил қилишдан келиб чиқадики, ЦМПЛли барабан ва пичоқлар орасидаги масофага қараганда чўткали барабан айланишлар сонига боғлиқлиги кучлироқ экан, чунки  $|b_1|=3.38 < |b_2|=5.87$  (абсолют қийматлар солиштирилади).

Омилли тажриба натижалари интерпретацияси.

Координата ўқлари бўйича  $X_1$  ва  $X_2$  омилларнинг қийматини қўйган ҳолда икки омилли моделни график кўринишда тасвирлаш қулай. Кейин кетма-кет равишда бир неча чиқиш параметри доимий даражалари  $\hat{Y} = \text{const}$  берилади ва ҳар бир ҳолатда  $X_1$  ва  $X_2$  нинг қандай ўйғунликларида бу тенгликнинг кузатилиши аниқланади. Натижада бир неча бир хил даражали  $\hat{Y}$  учун чизиқлар оилаи олинади.


- 1)  $X_2=0,2$ ; 2)  $X_2=0,4$ ; 3)  $X_2=0,6$ ; 4)  $X_2=0,8$ ; 5)  $X_2=1,1$



$y=y(x_1), x_2=const$


**8 – расм. Турли пичоқлар орасидаги масофага боғлиқ равишда иш унумдорлигини чўткали барабан айланишлар сони буйича ўзгариши қонуниятларини графиклари**

- 1)  $X_1=0,2$ ; 2)  $X_1=0,4$ ; 3)  $X_1=0,6$ ; 4)  $X_1=0,8$ ; 5)  $X_1=1,1$



$y=y(x_2) \cdot x_1=const$

**9– расм. Чўткали барабан айланишлар сони турли қийматларда иш унумдорлигини пичоқлар орасидаги масофани ўзгаришига боғлиқлик қонуниятларини графиклари**



**10– расм. Иш унумдорлигининг чўткали барабан айланишлар сонига ва пичоқлар орасидаги масофанинг ўзгаришига боғлиқлик қонуниятини фазовий кўринишда**

Графикни таҳлил қилишда шуни ҳисобга олиш лозимки, омилнинг қиймати қўйилаётган ўққа нисбатан чизиқларнинг қиялик бурчаги қанча кичик бўлса, унинг чиқиш параметрига таъсири шунча кичик бўлади.

Кўрилган масалани MAPLE-17 даги дастури қуйидагича бўлади.

### Назария билан тажрибани солиштирма жадвали

Ү - тажриба	85	95	110	120
Ү - назария	85	97	108	115

Бу ерда: Ү – тажрибада олинган натижалар, Ү- назарий формулардан олинган натижалар. Тажрибада олинган натижалар билан назарий формулалар ёрдамида олинган натижаларнинг тафовути 5 фоиздан ошмас экан. Юқоридагилардан келиб чиқиб, (16) регрессион тенгламаси бўйича пичоқлар орасидаги масофа ва чўткали барабанни айланишлар сонига боғлиқ равишда иш унумдорлигини назарий қийматлари билан тажрибада аниқланган иш унумдорлиги қийматларини таққослама жадвал тузилди.

